

18 ноябрь - Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи қабул қилинган кун

ЭРКУ ЭМИНЛИГИМИЗ, МИЛЛИЙ ФУРУРИМИЗ РАМЗИ

... Азим Синднинг тик соҳили, паствад тубсиэ жар, асов дарё ўз йўлидаги бор нарсаи ўпқонига тортудек ўкириб оқмоқда. Босқинчи муғулларга қақшатқич зарбалар берган Жалолиддин Мангуберди устига мўр-малахдек ёпирилиб келаётган лашкар қуршовидан шердек юлқиниб чиқиб, отига қатқик қамчи босди ўзини сувга отди. У бир зумда нариги соҳилда пайдо бўлди ва ўзи билан бирга омон олиб ўтган байроқни боши узра кўтариб, шамширини ёв томонга ўқтлади. Бу воқеани зимдан кузатиб турган Чингизхон шундай фарзандлари бор юртини асло махв этиб бўлмастлигини тан олади.

Дарҳақиқат, буюк аждодларимиз муқаддас Ватан байроғини эрк ва эминлик рамзи деб билганлар. Юрт душман ўтлови ичида қолганида ҳам она-юрт байроғини бешикаст сақлаб, бир ялов остида озодлик учун курашни давом эттирганлар. Шу боис давлатимиз Байроғининг тимсолларида уларнинг ана шу эзгу орзу-умидлари акс эттирилганлиги бежиз эмас. Жумладан, Байроқнинг мовий-қўқ ранги - мовий осмон ва тиник сув; еру кўкдаги ҳаёт манбаларидир. Оқ ранг - тинчлик ва поклик, яшил ранг - ҳосилдорлик ва мўл-кўлчилик тимсоли, янги ой - янги туғилган мустақиллигимиз, юлдузлар - осмонимиз беғуборлиги, ҳаётнинг абадийлиги белгисидир. Ҳаётимиз қомуси - Конституциямиз, миллий гербимиз, мадҳиямиз,

пулимиз каби давлат мустақиллиги ва фуқаролар дахлсизлигининг рамзи бўлиши Байроғимизнинг хилпирай бошлаганига етти йил тўлди. Лекин тарих учун бир мижажа қоққудек ана шу қисқа муддат ичида йўл бош чими з раҳнамолигида етмиш йилларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимиз қиёфаси, юртимиз жамоли ўзгарди. Шаҳар ва қишлоқларимиз янада обод бўлиб, йирик-йирик иншоотлар, янги-янги корхоналар қад кўтарди, қадимий меъморлигимиз асосида бетакрор маданий-маиший иншоотлар қурилди, боғ ва хиёбонлар барпо этилди.

Маънавиятимиз, онгимиз ва тафаккуримизда айниқса катта ўзгаришлар содир бўлди, ўзлимизни теранроқ англай бошладик, миллий ғуруримиз юксалди. Неча минг йиллик маданиятимиз кадр топди, жаҳон илм-фани машъалини баланд кўтарган, аммо зулм-истибод тазйиқи остида унутилаётган буюк алломаларимизнинг муборақ номлари қайта тикланди. Куни кеча бутун ислом оламида машҳур муҳаддис Имом ал-Бухорий, қомусий олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллуд тўйлари кенг кўламда нишонланганлиги бунинг яна бир ёрқин мисоли бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлидан бораётган, иқтисодиёт билан маънавиятни тараққийнинг қўш

қаноти деб билаётган мамлакатимизнинг жозибаси бутун дунёни ўзига жазм этмоқда. Азиз пойтахтимизда нафақат мамлакат, минтақа, балки умумжаҳон, умумбашарий аҳамиятга молик масалаларни муҳокама этиш яхши анъана бўлиб қолди. ЮНЕСКО Ижроия Кенгаши 155-сессиясининг якуновчи мажлиси Тошкентда ўтганлиги шундан яққол далолатдир.

Янги аср бўсағасида бутун дунёда жаҳолат ва ваҳшийлик, диний ва миллий экстремизм, этник қарама-қаршилик, минтақавий можаро ва урушлар тобора авж олаётгани жаҳон афкор оммасини жиддий ташвишлантирмоқда. Мазкур нуфузли мажлисда дунёни бу фалокатлардан маданият ва маънавият кутқариши мумкинлиги қатъий ишонч билдирилди. Юртбошимизга ЮНЕСКОнинг Абу Али ибн Сино номидagi Олтин Медали топширилганлиги мамлакатимизнинг Байроғимизга қатларида қанотланаётган олийжаноб мақсадлар - инсонни улуғлаш, адолатли жамият барпо этиш, миллий ва умумбашарий қадриятларни, маънавиятни юксалтириш муддаолари эътирофининг яққол далилидир.

Ҳа, Давлатимиз Байроғи халқимизнинг эркин-эминлиги, руҳи, мақсад-муддаолари, ғурур-ифтихори, бунёдкорлик салоҳияти ва қудрати рамзи бўлиб ҳилпирайверсин.

Ёқуб Иброҳимов, УЗА шарҳловчиси.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ НАЗОРАТИ ХОДИМЛАРИНИНГ МАСЪУЛИЯТИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Сўнгги пайтларда Давлат автомобиль назорати ходимлари томонидан хизмат вазифаларини бажариш пайтида йўлларда ҳаракатланиш иштирокчиларига нисбатан қўпол муомалада бўлиш, уларнинг ҳуқуқларини бузиш, ўз ваколатлари доирасидан четга чиқиш каби ҳолатлар кузатилмоқда.

Мазкур нуқсонларни бартараф этиш, ички ишлар идораларининг Давлат автомобиль назорати тизими ходимларининг маданиятини ошириш, улар томонидан хизмат интизомига ва қонунчиликка оғишмай риоя этилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига /З.Алматов/:

- Республика ички ишлар идоралари ДАН тизими шахсий таркибини уч ой муддатда навабдан ташқари аттестациядан ўтказиш воситасида унинг сафларини малакали, хизмат бурчига сароқатли, юқори маданиятли ходимлар билан тўлдирши;

- ДАН хизматига ички ишлар идораларининг бошқа хизматларида каммида бир йил мобайнида ўзини ижобий кўрсатган, тегишли мутахассислиги бўлган ходимларни ўтказишни

йўлга қўйиш;

- бир ой муддатда ИИВ Академияси таркибида ДАН ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш куллиятини очиш ҳақида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритиш;

- Ички ишлар вазирлиги тегишли тезкор тармоқлари Миллий хавфсизлик идоралари ходимлари билан ҳамкорликда ДАН ходимларининг хизмат фаолияти устидан мунтазам норасмий текширувлар ўтказишини йўлга қўйиш;

- ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимларини ДАН тизими-

га юкланган вазифаларни бажаришга жалб этиш зарурати туғилганда фақат Республика Ички ишлар вазирлигининг руҳсати билан амалга ошириш;

- жойлардаги ички ишлар идораларида ДАН ходимларининг муомала маданиятини ошириш, хизмат кийимлари ва белгиларини ўрнатилган тартибда тутишларини таъминлаш юзасидан тадбирлар амалга ошириш топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/ Республика Прокуратура си /Б.Мустафоев/, Адлия вазирлиги /С.Мирсафоев/, Давлат божхона қўмитаси /У.Комилов/ ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги /Б.Қосимов/ билан биргаликда бир ой ичида ДАН ходимларининг ваколат доираси, улар томонидан автотранспорт воситаларини тўхтатиш, йўлларда ҳаракатланишни чеклаш ёки тақиқлаш масалаларини тартибга солуви Низом лойиҳасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

- мазкур Низом Республика Ҳукумати томонидан тасдиқланганда сўнг уни ҳар бир ДАН ходими диққатига етказсин ва унга аниқ, оғишмай риоя этилишини таъминласин;

- Низомда кўзда тутилмаган ҳолатларда ДАН ходимлари томонидан автотранспорт воситаларини тўхтатишни, йўлларда қатновни чеклашни йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигига зарар келтириш ва хизмат интизомини бузиш деб баҳоласин, айбдорларга ички ишлар идораларидан бўшатишга бўлган қатъий чоралар кўрсин.

3. ДАН ходимлари томонидан ҳайдовчилар ва йўловчиларга нисбатан қўполлик қилиш ҳолатлари ваколатдан четга чиқувчи, хизмат этикасига зид ва «Ички ишлар идоралари ходими» номини бадном қилувчи ҳолат деб белгилаб қўйилсин.

4. «Ўзавоттранс» давлат-акционерлик корпорацияси /К.Сидиқназаров/, «Ватанпарвар» жамияти /А.Абдуқоҳоров/ ҳайдовчилар ва тингловчилар орасида уларнинг ҳуқуқлари, ДАН ходимлари ваколатларини тушунтириш ишларини ташкил қилсинлар.

5. Оммавий ахборот воситалари ДАН ходимлари ва йўлларда ҳаракатланиш иштирокчиларига ўртасидаги ўзаро ҳурмат, белгиланган қоидаларга риоя этиш каби масалаларга оид муаммоларни кенг ёритиш таклиф қилинсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги /С.Мирсафоев/ ва Ички ишлар вазирлиги /З.Алматов/ бир ой ичида тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклиф берсинлар.

7. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси У.Худойқулов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.Каримов
 Тошкент шаҳри, 1998 йил 14 ноябрь



Янги фильм премьераси

Республика киночилар уйида «Ўзбекино» давлат акционерлик компанияси яратган «Севги...» фильми премьераси бўлиб ўтди. Шоир ва драматург Усмон Азим ҳуқуқаси асосида суратга олинган бу фильмга таниқли санъаткор Исмаил Эргашев режиссёрлик қилган. Бош ролни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Мурод Ражабов ижро этган.

Фильмда мамлакатимизда рўй бераётган улкан бунёдкорлик ишлари, қишлоқларимиз жамоли, одамларимиз бағри кенлиги, одамхунлиги, миллий удумлари ва турмуш тарзи акс эттирилган. Бастакор Мирхалил Маҳмудов ёзган жозибали мусиқа асарининг ана шу сифатларини янада жонлантирган.

«Пахта-98»

Чинозликлар зафари

Тошкент вилояти Чиноз тумани деҳқонлари пахта тайёрлаш режисини бажарди. Қабул пунктларига 18 минг 100 тоннадан зиёд қимматли сановат хомашёси етказиб берилди. Уртача ҳосилдорлик 27 центнерни ташкил этди. Бу муваффақиятга «Ўзбекистон», Собир Раҳимов, Амир Темур, Навоий номидagi ва «Гулзоробод» ҳўжаликлари салмоқли ҳисса қўшди.

Туман далаларида йиғим-терим давом этмоқда. Айни пайтда ҳосилдан бўшаган ерларни шудгорлашга киришилмоқда.

Неъмат Душаев, УЗА мухбири.

Сурхондарёдаги ҳамма йўллар Термизга олиб боради. Бу қадим шаҳарда ҳозир 112 минг аҳоли истиқомат қилади. Термиз энг жанубда жойлашгани билан ёзи нихоятда иссиқ, қиши совуқ келади.

Бултур қиш Термизда бағоят оғир кечди. Фикримиз исботи учун бир тафсилот айтмай: шаҳардаги энг баланд ва кўркам иморатга вилоят ҳокимлиги жойлашган. Масъул ходимлар иситиш тармоқлари талаб даражасида эмаслигидан нолиб гапиряшади. Ахир бутун қиш давомида иморат иситилмади-да...

Хўш, бу йил Термиз шаҳрида қиш қандай ўтади?

Бу саволга шаҳар ҳокими Хусан Умаров шундай деди:

- Совуқ кунлар бошлангани билан хусусий ошхоналарнинг ҳаммасини табиий газ билан таъминлашни тўхтатамиз. Уларни бу ҳақда бир ой олдин огоҳлантириб қўйдик.

Жавоб қанчалик ночор бўлмасин, мутарам газетхон шароитини англагандир. Демак, газ етмайпти. Сабаби, шаҳар бўйлаб тортилган «зангори олов» элтувчи қувурлар эскирган. Шу боис, эҳтиёж даражасидаги босимга дош беролмайди. Янги ва катта газ қувури қурилиши неча йилдан буюн қўзғалиб келмоқда. Демак, бу йил ҳам муаммо ҳал этилмади.

Шаҳардаги йиғирма минг хондоннинг асосий қисминини иссиқ сув билан, демакки иссиқлик билан таъминлаш муаммоси бўлади.

Иккинчидан: сув етишмайди. Шаҳарга ҳар соатда 320 куб-метр сува керак. Аслида эса бу муҳим ишдаги таъминот 70 куб-метрдан ошмайпти. Шу боис қувурлардаги босим 1,2 атмосферага тушиб қоляпти. Иситиш маъсуми тўла бошланмасдан шу

аҳвол. Бундай вазиятда биринчи қавадгаги уйлارга ҳам сув чиқмайди. Табиийки, совуқ сув бормаган жойга иссиқ сув, демакки иссиқлик ҳам етиб боролмайди.

Иссиқлик билан таъминлашнинг шу тарихи... издан чиқиб кетганлиги тўғрйли «Иссиқлик манбаи» истеъмолчилардан - аҳолидан 23 миллион сўм дебиторлик қарз бўлиб турибди. Уни ундиришдан умид йўқ. Шунинг учун идора яқинда қарзининг 9 миллионини ўзининг зарарига олди.

Термизнинг кун ботиш тарафида Амударё, кун чиқиш тарафидан Сурхондарё оқиб



Инсон ўз меҳнатидан, иш унумидан мамнун бўлеа, самарадорлик ҳам шунча юқори бўлади. Сирдарё вилоятидаги «Ўзфарм-саноат» корхонасида оператор бўлиб ишлаётган Насиба Абдугафорова ҳам ўз касбидан мамнун.

Мухбиримиз бонг уради

Ўтади. Лекин шаҳарда сув етмайди. Термиз шаҳрини сув билан таъминлашга масъул бўлган идоранинг номи «Сув-оқва» корхонаси дейилади. Бу ерда ўзини ваколатли мутахассис деб ҳисоблайдиган Шомурод Ўлдошев бошлиқ бўлиб ишлайди. Тасарруфиди

маром йўқ. Молиявий тангликдан вақтинчалик бўлса-да қутилимоқ учун шаҳар ҳокимлиги масъум арасида бир ярим миллион сўм пул топиб берди. Шу маблағга қудуқлардан сув тортадиган ўнта насос олинар эмиш. Яна савол туғилди, кейинчи? Наҳотки, уша насослар насияга сув тортса?

-Иссиқлик манбаи-нинг раҳбари М.Хидировдан бу йил жилла бўлмас вилоят ҳокимлигининг 14 қаватли иморати иситилиш-иситилмаслигини сўрадик.

- Ҳозирги босим билан бундай баланд иморатларни иситишнинг технологик жиҳатдан мураккаб иложи йўқ, таъкидлади бошлиқ.

Бу саволни беришимизнинг боиси шунки, вилоят ҳокимлиги биносини иситиш мумкин бўлмагандан кейин, қишлоқ-қировлик кунларда бошқа ерлардаги аҳолини тасаввур қилиш унча қийинмас.

Қиш бу йил ҳам бизни кечирсин. Уни муносиб келтири олиш қўлимиздан келмаяпти.

Тождидин РАЗЗОК, «Ишонч» мухбири.

ОЛАМДА НИМА ГАП?

ҚОҲИРА. Араб мамлакатлари лигаси Бағдоднинг Ироқни куролсизлантириш буйича БМТ халқаро текширувчилари билан ҳамкорликни қайта тиклаш ҳақидаги қарорини қўллаб-қувватлади.

Лига Бош қотиби Исмаил Абдул Магид Ироқ ҳукуматининг ушбу оқилана қарори мазкур мамлакат атрофида юз бераётган зиддиятни тинч йўл билан бартараф қилишда муҳим аҳамият касб этади, деб таъкидлади.

х х х

ЖАКАРТА. Индонезия президенти саройи мамлакат собиқ раҳбари Сухартонинг давлат банкда 21 миллиард рупи миқдорда /3 миллион АҚШ долларига тенг/ сармоясини борлигини ошқорла қилди. Бу мамлакат бош прокуратураси ҳамда хайрия фонди ҳамкорликда ўтказган текширувлар натижасида аниқланган.

Бундан бир неча кун илгари Американинг «Форбс» журнали Сухартонинг 4 миллиард долларга яқин сармоясини борлиги ҳақида ахборот тарқатган эди. Индонезия оммавий ахборот воситалари эса Сухарто оиласи ва унинг ақиллари 30 йилга яқин вақт давомида ноқонуний равишда 16 миллиарддан 40 миллиард АҚШ долларигача миқдорда бойлик ўзлаштирганлиги ҳақида бонг урмоқда.

Айнан шу ва бошқа масалалар юзасидан Жакарта қўчаларида ҳукуматга қарши оммавий чиқишлар юз берган эди. Намойишчилар талабларидан бири собиқ президент Сухартонни судга бериш ва жиноий жавобгарликка тортишдир.

х х х

ИСЛОМОБОД. Афғонистондаги муҳолифат партия - Ҳезбе Ваҳдат афғон шиялари партиясини раҳбари Муҳаммад Моҳаккем ўз қўларининг «Толубон» ҳаракатига қўшилиши ҳақида хоржий ахборот маҳкамалари тарқатган хабарни инкор этди.

Муҳаммад Моҳаккемнинг гапига қараганда, унинг қўчалари Покистон маҳсус хизмати қўлида «қўғирчоқ»ка айланиб келаётган толибларга ҳамон қаршидир. У Покистондаги мадрасаларда таълим олаётган талабалар ҳамда локистонлик ҳарбийларнинг Афғонистондаги ҳарбий тўқнашувларда иштирок этишини қоралаб, бу умумэътироф этилган халқаро ҳуқуқ ва меъёрларга зид эканлигини таъкидлади.

Шунингдек, у толибларга қарши қўчалар раҳбарларидан бири Аҳмадшоҳ Маъсуд билан толибларга қаратилган ҳарбий ҳужумларни биргаликда ўтказиш ҳақида келишувга эга эканини маълум қилди.

х х х

АНКАРА. Ўрта ер денгизининг шарқий қисмида Туркия куролли кўчаларининг ҳарбий-уқув машқлари бошланди. Бу ерда туркиялик ҳарбийлар бир ҳафта давомида куруқлик, ҳаво ва денгиз кўчаларининг биргаликдаги фаолиятини ишлаб чиқиш борасида машқлар ўтказди.

ЎЗА/

«Наврўз-99» Республика танлови

Мамлакатимизда Наврўз умумхалк байрами йилдан-йилга тобора кенг миқёсда нишонланмоқда. Миллий қадриятлар, урф-одатлар, маросимлар, халқ сайиллари байрам томошалари дастурларидан кенг ўрин олмақда.

Республика Мустақиллиги шарофати билан эъвозланаётган «Наврўз» байрами арафасида улкан қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга ошмоқда.

Ортимизда бўлиб ўтаётган байрам ва юбилей тадбирлари хорижий мамлакатларда ҳамда қўшни давлатларда оммавий ахборот воситалари орқали тўлиқ намойиш этилиши олдига тўлиқ кириб қолди.

«Наврўз-99» умумхалк байрами томошалари ҳамда халқ сайиллари дастурларининг миллий қадриятларни улуғлаш, янги аёнчаларни қарор топтиришга йўналтирилган, ранг-баранг, бадий жиҳатдан юқори даражада бўлишини таъминлаш мақсадида шу йил 17 ноярдан 17 декабрга қадар Республика очик тан-

лови бўлиб ўтади.

Танловда куйидаги йўналишлар бўйича яқка тартибда ёки иходий гуруҳлар келишган ҳолда умумий тартибда иштирок этишлари мумкин:

а/ Наврўз умумхалк байрамини ташкил қилиш тадбирларининг моҳиятини белгилوғчи ҳақ учун;

б/ Наврўз умумхалк байрами асосий томошасининг бадий сценарийи учун;

в/ Наврўз умумхалк байрами ўтадиган майдон-сахнани /пойтахтдаги Алишер Навоий мажмуаси/ бадий безаш учун;

г/ Наврўз байрами томошаси иштирокчиларининг кийимлари учун;

д/ виллоятларнинг энг яхши бадий дастурлари учун;

е/ вазирилари, муассаса-ташкилотлар ва ўқув юрларининг энг яхши бадий дастурлари учун;

ж/ Наврўз умумхалк байрами томошасининг янги яратилган мусика асарлари учун;

з/ режиссёрнинг Наврўз умумхалк байрами томошасини саҳналаштириш режалари учун.

Ғолиблар куйидаги тартибда тақдирланади:

Ижодий гуруҳлар учун:
Биринчи мукофот - 300.000 /уч юз минг/ сўм
Иккинчи мукофот - 200.000 /икки юз минг/ сўм
Учинчи мукофот - 100.000 /юз минг/ сўм

Яқка тартибда иштирок этганлар учун:
Биринчи мукофот - 100.000 /юз минг/ сўм
Иккинчи мукофот - 50.000 /эллик минг/ сўм

Учинчи мукофот - 30.000 /уттиз минг/ сўм

Биринчи мукофот соҳиблари пойтахтдаги асосий байрам томошасини саҳналаштириш жараёнида қатнашиш ҳуқуқига эга бўлади.

Танлов муассислари:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Байрам ва юбилей тадбирлари Дирекцияси
Маданият ишлари вазирилик
Бастакорлар уюшмаси
Тошкент шаҳар оқимлиги
Бадий академия
«Наврўз» Халқаро жамғармаси
Танлов иштирокчилари куйидаги манзилга 20 декабрга қадар мурожаат қилишлари мумкин:
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-кўча
Маданият ишлари вазирилик
тел: 144-63-63



СЕШАНБА 17

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Авборот»

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирки тароналар.
9.05 «Чолқуши». Телевизион бадий фильм. 1-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Соғинашлик пессоннажи».
10.25 Янги афибони урганамиз.
10.55 «Эй».

11.15 «Бўри ва ит». Мультфильм.
11.30 Болалар учун. «Қизилари урғушувлар».

12.05 Кундузи санас. «Канонир Доллас саргузашти». Бадий фильм. 1-серия.
13.30 Ўзбек куйларидан концерт.
14.10 — 14.30 «Санаёт олами».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Барака ёмири». Мультфильм.
18.40 «Хўжйи хамият сари».
18.40 Олтин мерос. «Барҳат сиймолар».
19.05 «Қалқон».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.25 — Эълонлар.
19.30 «Авборот» (рус тилида).
19.40 «Азу гулшани».
20.10 Оқшом эртанлари.
20.30 «Авборот».
21.05 «Акс саро».
21.35 «Дугоналар бормисиз?» Мусикий дастур.
22.30 «Бирдан бир миллионгача».
22.50 Э.Н. Нахимова. «Занжирбанд шер».
Аббос Бакиров номидagi Андижон виллоят ёшлар театрининг спектакли. 1-қисм.
23.40 «Авборот».

ЎзТВ II
18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади. «Билагон наслахати». Мультфильм.
18.40 «Олтин мерос».
18.55 Мусикий лавзалар.
19.00 «ДАВР». Авборот дастури.
19.25 «Ешлар ва спорт».
19.40, 20.30, 22.40 — Эълонлар.
19.45 «Морена Клард». Телевизион бадий фильм. 1-серия.
19.55 «Марду-майдон».
20.15 Танишч. Дилшод Жўраев.
21.10 «Очун». Қорақалпоғистондан тайёрланган.
21.30 «Ешлар» телеканалда.
21.35 Бугун — Халқаро талабалар кўни. Эркин фикр.
22.00 «ДАВР». Авборот дастури.
22.25 «Болливудга нигоҳ».
22.55 Синема. «Хайдовни мисс Дейзи».
00.20 Хайри тун!

ЎзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 Болалар учун. «Энди эртак бошла».
18.40 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 3-серия.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Авборот» (рус тилида).
20.00 «Гул ишқиди, висол ишқиди». Мусикий дастур.
20.30 «Авборот».
21.05 «Татерт». Телевизион бадий фильм. 2-серия.
21.55 «Туркизм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.25 «Морт ва Фил». Мультфильм.
22.50 «Даракчи».
23.00 «Бешикчи ўлнов».
23.20 Оханлар ва эълонлар.
23.30 «Кинонигоҳ».
01.10 «Хайри тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тинч пайт».
19.05 Элард Радзинский. «Наполеондек бўлиш». 2-қисм.
19.45 «Скарлетт». Серил.
20.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

30-канал
8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
8.30 «Табасум ла ярим соат».
9.00 «Кинонушта».
10.30 «Бержерк». Детектив телесериал (Англиз).

11.20 Тонги киносанас.
13.00 «Хайт чизинг». Телевизион (Бразилия).
14.10 Кундузи киносанас.
15.30 «Олов гилдираги». Телевизион.
16.30 «Кино оламида». Авборот-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телевизион.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телевизион.
18.20 «Элен ва болалар». Телевизион.
18.45 «Қора марварид». Телевизион.
19.30 «Ғаройиб воқеалар». Телевизион (АҚШ).
20.15 «Hoff Singer хузурида меҳмонда». 6-курсатув.
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.35 «Онавий кино».
21.55 Телевизион.
24.00 «Бойўлига наваб».
00.50 Тунги мусикий канал.

РЖТ
6.00 «Хайри тун!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 24.00 — Янгиликлар.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта».
11.15 «Кўли панорамаси». Кўрсатуви Е. Петросов олиб боради.

11.50 «Хонаки клубона».
12.15 «Биргалаша» дастури.
12.15 Михаил Жаров «Ва яна Анискин» фильмида. 3-серия.
14.30 «Альберт — бешинчи мушкетёр». Ҳажвий мультфильм.
15.15 «Синдбодининг янги саргузаштлари». Серил.
15.50 «Баттл тасодифи».
16.35 «16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Кўйини топинг».
18.45 «Тинч пайт».
19.05 Элард Радзинский. «Қандай қилиб Наполеон бўлиш мумкин». 2-қисм.
19.45 «Скарлетт». Серил.
20.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 Элард Радзинский. «Адрессиз кўз» комедияси.
23.20 Константин Райкин Ребет Стуранинг «Галлетта» дастури.
00.20 Хоккей. Евролига. «Мангейм» (Германия) — «Ах Барс» (Қозон). 2 ва 3-давра. Германиядан кўрсатилади.

КозТВ
6.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
8.00 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Бадий фильм. 1-серия.
16.30 «Хит-парад».
16.40 Мультфильм.
16.45 «Ер хазиналари».
17.00 Саҳна янгиликлари.
17.25 «Отуқ» салони.
17.30 «Бола тилидан».
17.30 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Бадий фильм. 2-серия.
19.05 «Хажинлар овули».
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Сокни сувар». Телевизион бадий фильм. 1-серия.
20.50 «Дўстлар тароналари».
21.00 «Оқшом». Авборот кўрсатуви.
21.50 «Урашув юқини узгариш мумкин эмас». Бадий фильм. 4-серия.
22.55 «Отуқ» салони.

РЖТ
6.00 «Хайри тун!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.10 — Янгиликлар.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта».
11.15 «Кўли панорамаси». Кўрсатуви Е. Петросов олиб боради.
11.30 «Хит-парад».
11.35 «Санаёт оламида».
11.50 «Хонаки клубона».
12.15 «Биргалаша» дастури.
12.05 Андрей Миронов, Александр Ширвиндт ва Михаил Державин «Ити хисобга олмаганда, кемадаги ўчновол» фильмида. 1-серия.
14.30 «Альберт — бешинчи мушкетёр». Ҳажвий мультфильм.
15.15 «Синдбодининг янги саргузаштлари». Серил.
15.45 «Нагнаторлар давлати».
16.15 Болалар учун талфалар.
16.35 «16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Кўйини топинг».
18.45 «Тинч пайт».
19.05 Элард Радзинский. «Қандай қилиб Наполеон бўлиш мумкин». 3-қисм.
19.45 «Скарлетт». Серил.
20.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 «Кирол Ральф». Комедия.
23.30 Ҳужжатли детектив.

КозТВ
6.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
8.00 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Бадий фильм. 2-серия.
16.30 «Хит-парад».
16.40 Мультфильм.
16.45 «Хажинлар овули».
17.25 «Отуқ» салони.
17.30 «Бола тилидан».
18.00 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Бадий фильм. 3-серия.
19.05 «Остона» агромаркази. «Дон бизнеси». Остонада олиб кўрсатилади.
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Сокни сувар». Телевизион бадий фильм. 1-серия.
20.50 «Дўстлар тароналари».
21.00 «Оқшом». Авборот кўрсатуви.
21.50 «Кўли олма». Бадий фильм.
22.55 «Отуқ» салони.

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Авборот»

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Куйлардан қўшқаларга».
9.10 «Чолқуши». Телевизион бадий фильм. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бизни кутар нури манзиллар».
10.20 «Теран томилар».
10.45 «Жавонон бустони».
11.05 «Санаёт оламида».
11.25 «Қарбалат».
11.45 «Мураббий». Спорт дастури.
12.05 Кундузи санас. «Ўқулган гувоҳ». Бадий фильм.
13.30 «Севги сувори». Мусикий дастур.
14.10-14.30 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.

ЎзТВ II
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур». Бадий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Хўжйи хамият сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Авборот» (рус тилида).
19.55 «Олам-қоз».
20.10 Оқшом эртанлари.
20.30 «Авборот».
21.05 «Татерт». Телевизион бадий фильм. 3-серия.
21.55 «Туркизм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.25 «Морт ва Фил». Мультфильм.
22.50 «Даракчи».
23.00 «Бешикчи ўлнов».
23.20 Оханлар ва эълонлар.
23.30 «Кинонигоҳ».
01.10 «Хайри тун, шаҳрим!»

ЎзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Еришот». Мультфильм.
18.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 3-серия.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Авборот» (рус тилида).
20.00 «Гул ишқиди, висол ишқиди».
20.30 «Авборот».
21.05 «Татерт». Телевизион бадий фильм. 3-серия.
21.55 «Туркизм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.25 «Морт ва Фил». Мультфильм.
22.50 «Даракчи».
23.00 «Бешикчи ўлнов».
23.20 Оханлар ва эълонлар.
23.30 «Кинонигоҳ».
01.10 «Хайри тун, шаҳрим!»

ЎзТВ IV
Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тинч пайт».
19.05 Элард Радзинский. «Наполеондек ҳилок бўлиш». 3-қисм.
19.45 «Скарлетт». Серил.
20.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

РЖТ
6.00 «Хайри тун!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 24.00 — Янгиликлар.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта».
11.15 «Кўли панорамаси». Кўрсатуви Е. Петросов олиб боради.

23.30 «Шоҳсула сари йул». Спорт дастури.
23.50 «Ҳофизлар куйларига». Фильм-концерт.
00.25 «Авборот» (рус тилида).
00.50 Тунги санас: «Мақора». Кинокомедия.
02.00-02.25 Тунинг оғузи бўлини!

30-канал
8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
8.30 «Табасум ла ярим соат».
9.00 «Кинонушта».
10.30 «Бержерк». Телевизион бадий фильм. 1-серия.
11.20 Тонги киносанас.
13.00 «Хайт чизинг». Телевизион.
14.10 Кундузи киносанас.
15.30 «Олов гилдираги». Телевизион.
16.00 «Даракчи». Мусикий-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телевизион.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телевизион.
18.20 «Элен ва болалар». Телевизион.
18.45 «Қора марварид». Телевизион.
19.30 «Ғаройиб воқеалар». Телевизион (АҚШ).
20.15 «Hoff Singer хузурида меҳмонда». 6-курсатув.
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.35 «Онавий кино».
21.55 Телевизион.
24.00 «Бойўлига наваб».
00.50 Тунги мусикий канал.

РЖТ
6.00 «Хайри тун!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 00.10 — Янгиликлар.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта».
11.15 «Кўли панорамаси». Кўрсатуви Е. Петросов олиб боради.
11.30 «Хит-парад».
11.35 «Санаёт оламида».
11.50 «Хонаки клубона».
12.15 «Биргалаша» дастури.
12.05 Андрей Миронов, Александр Ширвиндт ва Михаил Державин «Ити хисобга олмаганда, кемадаги ўчновол» фильмида. 1-серия.
14.30 «Альберт — бешинчи мушкетёр». Ҳажвий мультфильм.
15.15 «Синдбодининг янги саргузаштлари». Серил.
15.45 «Нагнаторлар давлати».
16.15 Болалар учун талфалар.
16.35 «16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Кўйини топинг».
18.45 «Тинч пайт».
19.05 Элард Радзинский. «Қандай қилиб Наполеон бўлиш мумкин». 3-қисм.
19.45 «Скарлетт». Серил.
20.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 «Кирол Ральф». Комедия.
23.30 Ҳужжатли детектив.

30-канал
8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
8.30 «Табасум ла ярим соат».
9.00 «Кинонушта».
10.30 «Бержерк». Телевизион бадий фильм. 1-серия.
11.20 Тонги киносанас.
13.00 «Хайт чизинг». Телевизион.
14.10 Кундузи киносанас.
15.30 «Олов гилдираги». Телевизион.
16.00 «Даракчи». Мусикий-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телевизион.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телевизион.
18.20 «Элен ва болалар». Телевизион.
18.45 «Қора марварид». Телевизион.
19.30 «Ғаройиб воқеалар». Телевизион (АҚШ).
20.15 «Hoff Singer хузурида меҳмонда». 6-курсатув.
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.35 «Онавий кино».
21.55 Телевизион.
24.00 «Бойўлига наваб».
00.50 Тунги мусикий канал.

РЖТ
6.00 «Хайри тун!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 24.00 — Янгиликлар.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта».
11.15 «Кўли панорамаси». Кўрсатуви Е. Петросов олиб боради.
11.30 «Хит-парад».
11.35 «Санаёт оламида».
11.50 «Хонаки клубона».
12.15 «Биргалаша» дастури.
12.05 Андрей Миронов, Александр Ширвиндт ва Михаил Державин «Ити хисобга олмаганда, кемадаги ўчновол» фильмида. 1-серия.
14.30 «Альберт — бешинчи мушкетёр». Ҳажвий мультфильм.
15.15 «Синдбодининг янги саргузаштлари». Серил.
15.45 «Нагнаторлар давлати».
16.15 Болалар учун талфалар.
16.35 «16 ёшгача ва ундан катталар».
18.15 «Кўйини топинг».
18.45 «Тинч пайт».
19.05 Элард Радзинский. «Қандай қилиб Наполеон бўлиш мумкин». 3-қисм.
19.45 «Скарлетт». Серил.
20.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».
21.45 «Кирол Ральф». Комедия.
23.30 Ҳужжатли детектив.

КозТВ
6.30 «Кечаси ётиб ўйла, эрталаб туриб сўйла».
8.00 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Бадий фильм. 2-серия.
16.30 «Хит-парад».
16.40 Мультфильм.
16.45 «Хажинлар овули».
17.25 «Отуқ» салони.
17.30 «Бола тилидан».
18.00 «Шерлок Холмс ва Доктор Ватсон». Бадий фильм. 3-серия.
19.05 «Остона» агромаркази. «Дон бизнеси». Остонада олиб кўрсатилади.
19.35 «Юртдошлар».
20.00 «Сокни сувар». Телевизион бадий фильм. 1-серия.
20.50 «Дўстлар тароналари».
21.00 «Оқшом». Авборот кўрсатуви.
21.50 «Кўли олма». Бадий фильм.
22.55 «Отуқ» салони.

ЎзТВ I
6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Авборот»

8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Куйлардан қўшқаларга».
9.10 «Чолқуши». Телевизион бадий фильм. 3-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 — Янгиликлар.
10.05 «Бизни кутар нури манзиллар».
10.20 «Теран томилар».
10.45 «Жавонон бустони».
11.05 «Санаёт оламида».
11.25 «Қарбалат».
11.45 «Мураббий». Спорт дастури.
12.05 Кундузи санас. «Ўқулган гувоҳ». Бадий фильм.
13.30 «Севги сувори». Мусикий дастур.
14.10-14.30 «Осон эмас бу майдон ичра». Адабий кўрсатув.

ЎзТВ II
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун. «Доно бобо даврасида».
18.25 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.40 «Ажаб саодат эрур». Бадий-публицистик кўрсатув.
19.05 «Хўжйи хамият сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Авборот» (рус тилида).
19.55 «Олам-қоз».
20.10 Оқшом эртанлари.
20.30 «Авборот».
21.05 «Татерт». Телевизион бадий фильм. 3-серия.
21.55 «Туркизм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.25 «Морт ва Фил». Мультфильм.
22.50 «Даракчи».
23.00 «Бешикчи ўлнов».
23.20 Оханлар ва эълонлар.
23.30 «Кинонигоҳ».
01.10 «Хайри тун, шаҳрим!»

ЎзТВ III
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Даракчи».
18.10 «Еришот». Мультфильм.
18.30 «Санта-Барбара». Телевизион бадий фильм. 3-серия.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 — Эълонлар.
19.30 «Авборот» (рус тилида).
20.00 «Гул ишқиди, висол ишқиди».
20.30 «Авборот».
21.05 «Татерт». Телевизион бадий фильм. 3-серия.
21.55 «Туркизм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.25 «Морт ва Фил». Мультфильм.
22.50 «Даракчи».
23.00 «Бешикчи ўлнов».
23.20 Оханлар ва эълонлар.
23.30 «Кинонигоҳ».
01.10 «Хайри тун, шаҳрим!»

21.05 «ТВ ва театр».
21.25 «Даракчи». Телевизион.
22.15 «Даракчи гулшани».
22.45 «Даракчи».
22.55 Худуд «М». Ешлар дастури.
23.20 Оханлар ва эълонлар.
23.30 «Видео-О».
01.10 «Хайри тун, шаҳрим!»

ЎзТВ II
Россия жамоат телевидениеси
7.30-9.00

16.45 Кўрсатувлар тартиби.
16.50 «Мультсайёра».

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси

Россия жамоат телевидениеси
18.45 «Тинч пайт».
19.05 Элард Радзинский. «Наполеондек бўлиш мумкин». 3-қисм.
19.45 «Скарлетт». Серил.
20.45 Хайри тун, кичкинтойлар!
21.00 «Время».

30-канал
8.05, 13.50, 18.00, 19.55, 20.00, 01.15 — «ТВ-хамкор». «Метеохабар».
8.30 «Табасум ла ярим соат».
9.00 «Кинонушта».
10.30 «Бержерк». Телевизион бадий фильм. 1-серия.
11.20 Тонги киносанас.
13.00 «Хайт чизинг». Телевизион.
14.10 Кундузи киносанас.
15.30 «Олов гилдираги». Телевизион.
16.00 «Даракчи». Мусикий-дам олиш дастури.
16.30 «Нано». Телевизион.
17.15 «Карапуз-ТВ».
17.40 «Шаддодлар ва гўзаллар». Телевизион.
18.20 «Элен ва болалар». Телевизион.
18.45 «Қора марварид». Телевизион.
19.30 «Ғаройиб воқеалар». Телевизион (АҚШ).
20.15 «Hoff Singer хузурида меҳмонда». 6-курсатув.
20.20 «Клип-сюрприз».
21.10 Спорт янгиликлари.
21.35 «Онавий кино».
21.55 Телевизион.
24.00 «Бойўлига наваб».
00.50 Тунги мусикий канал.

РЖТ
6.00 «Хайри тун!».
9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 24.00 — Янгиликлар.
9.15, 17.00 — «Қаҳри қаттиқ фаришта».
11.15 «Кўли панорамаси». Кўрсатуви Е. Петросов олиб боради.
11.30 «Хит-парад».
11.35 «Санаёт оламида».
11.50 «Хонаки клубона».
12.15 «Биргалаша» дастури.
12.05 Андрей Миронов, Александр Ширвиндт ва Михаил Державин «Ити хисобга олмаганда, кемадаги ўчновол» фильмида. 1-серия.
14.30 «Альберт — бешинчи мушкетёр». Ҳажвий мультфильм.

Спорт

АЛПОМИШ ҲАМ ҲАМ

13-14 ноябрь кунлари Термиз шаҳрида «Алпомиш уйинлари» биринчи республика фестивали бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 350 дан зиёд спортчилар иштирок этишди.

Фестивал дастурига кўра, стадион ўртасида 2 та кураш гиллаи тушaldi. Бир гиллада фарғонача, яна биринчи эса Бухоро кураш бўлими мусобақалар ўтказилди.

Тўғра тўёна билан деганларидек, сурхондарёлик маданият ходимлари ҳам фестивалга таширф буюрган барча меҳмонлар дилига хуш кайфият бағишлаш мақсадида махсус байрамона дастур тайёрлашди.

Тўғра тўёна билан деганларидек, сурхондарёлик маданият ходимлари ҳам фестивалга таширф буюрган барча меҳмонлар дилига хуш кайфият бағишлаш мақсадида махсус байрамона дастур тайёрлашди.

Эрта саҳардан қарнай-сурнай садолари янграб, бутун шаҳар аҳолисини томошага чорлади.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулкчилик шакллари ўзгариб, корхоналар ўзини бошқариш, молиявий харажатларни мустақил тақсимлаш ҳуқуқига эга бўлди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ҳўжалик юритувчи субъектларнинг аҳолига, бюджет билан бўлган муносабатларга назар ташласак бир қатор зиддиятли ҳолатлар намойён бўлди.

Бундай ҳолатни бартараф этиш учун 1996 йил 9 августда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Бюджет билан ҳисоб-китоблар учун ҳўжалик юритувчи субъектларнинг масъулиятини ошириш чора тadbирлари тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Сирдарё вилояти давлат солиқ бошқармаси ва унинг жойлашган идоралари томонидан шу йилнинг 9 ойи давомида 450,5 миллион сўмлик қарзи бўлган 229 та корхонага нисбатан давво аризалари расмийлаштирилиб қарзларни уларнинг мол-мулкидан ундириб олиш мақсадида ви-

Во, ажаб!

лоят ҳўжалик судига мурожат қилинди. Давво аризалар ҳўжалик суди томонидан қониқтирилгандан сўнг, 46 та корхона 147,1 миллион сўм миқдордаги қарзини ҳал қилувчи қарор чиққандан сўнг бюджетга тўлиқ тўлаганиликлари сабабли мол-мулкларини олиб қўйилмади.

Лекин бюджетдан қарзи бўлган айрим корхона ва идора раҳбарлари бу ишга лояқид қараганиликлари оқибатида қарзлари мол-мулк ҳисобидан ундирилмоқда.

Қарздорлик Инқирозга юз тутиш аломати

Гулистон шаҳридаги «Лола» ҳиссасдорлик жамияти бўйича ҳўжалик судининг 1997 йил январ ойидаги қарорига асосан 3494,1 миң сўмлик боқиманда қарзи корхона мол-мулкидан ундирилган эди.

Гулистон шаҳар консерва заводида ҳам шундай ҳолатни кузатиш мумкин. Ҳўжалик судининг 1996 йил декабрдаги қарорига асосан 1070,4 миң сўм ва шу йил августдаги қарори билан 1883,8 миң сўмлик қарз корхона мулкидан ундирилди.

Бундан ташқари қарздор корхоналардан бюджет олдидики боқиманда қарзлари ҳўжалик суди орқали ундирилгани учун «Лола» ҳиссасдорлик жамиятидан бюджетга 448,8 миң сўм, консерва

заводидан 125,8 миң сўм, 4-автотранспорт корхонасидан 81,0 миң сўм, 3-автотранспорт корхонасидан 79,7 миң сўм давлат божлари ундирилди.

Албатта бу корхонанинг молиявий фаолиятига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди. Негаки, бюджет ҳисобига белгиланган устама жарималар давлат божлари ва жарималар корхона харажатлари туркумидан эмас, балки корхона ихтиёрида қолдиган соф фойда ҳисобидан қопланади.

Оқибатда ишлаб чиқариш учун сарфланиши лозим бўлган маблағ камаюди. Масалан бюджетга боқиманда қарзларни белгиланган муддатда тўламаганилиги учун «Лола» ҳиссасдорлик жамиятидан бюджетга 656,5 миң сўм, консерва заводида 842,4 миң сўм, 3-автотранспорт корхонасидан 1060,0 миң сўм, 4-автотранспорт корхонасидан 1135,8 миң сўм устама жарима ҳисобинан бюджетга ундирилди.

Бундан ташқари қарз ҳисобига мол-мулкларини олиб қўйилиши, айримларнинг сотилиб кетиши натижасида корхонанинг ҳўжалик фаолиятида белгиланган ишларнинг бажарилишини орқага суради, ишлаб чиқаришга зарур бўлган хом ашёларнинг танқислигига шунингдек, ишлаб чиқариш воситаларининг самардорлигини пасайишига олиб келарди.

Қўриб турибдики қарздор корхоналар бюджетга тўловларни белгиланган муддатларда тўламасликлари нафақат корхона жамоасига, балки давлатга ҳам катта зарар келтирмоқда.

Шунинг учун ҳам қарздор корхоналар эндиликда ҳўжалик суди орқали қарзларини тўлашга мажбур қилинган бўлиши мумкин. Шундай мамлакатнинг ҳамоно бир кун



Мунча ҳам ширинсан, фарзанд! Т. МАҲКАМОВ олган сурат.

Машиқзамин дарғалари

ҚАЛАНДАР КАЛТАГИ

Абул Қосим Маҳмуд аз Замахшарий ҳикоятларидан

Эй, инсон ўғли, диққат қил. Сенга адолат бўлмаган мамлакатдин баён қиламан, бу мамлакат зolim бир амалдорнинг идораси остида бўлган мамлакатдир.

АДОЛАТ БЎЛМАГАН МАМЛАКАТДА

Зулм-қилган дуоларнинг Худонинг даргоҳига етиб боришига парда, раҳмат ва барокотнинг тушувига тўсолғусидир. Зинҳорки зolim амалдор бўлган мамлакатда мол-мулк, бола-чақалик бўлай ва маконлашай дема...

харибликка айланиб, халқнинг паришонлиқда, қолишганини ҳеч қачон эсингдан чиқарма.

БАХИЛ БОЙ ВА ТИЛАМЧИ

Эҳсон ва иқромда қўли ёпиқ бой билан тама ва тиламчиликда маҳкам турган жоҳил ва номуссизга дойининг учрашуви, бир-бирига урилган харсанг тош ёки бир-бирига душман икки қабиладан олинган икки кундош хотининг эслатади.

тилаганини олмагунча кишининг атрофидан нари кетмайди. Унинг хидоси-лигига эришиш учун қол-қўларини уйнатишлари унинг олдидан турган кишини қаландар калтаги билан ураётгандай жондан бездиради.

АҚЛЛИ ВА АҲМОҚ

Ақли одам ақл ва мантқиқ нимами талаб қилса, ҳеч иккиланмай «Лаббай» деб югуради.

Ҳар тўғрида

ТАВАККАЛЧИ МАЙМОҚ ОЁҚ

Козьмадемьянликлар она Волгадан оқиб ўтган нималарни шохиди бўлишмади, дейсиз! Дарёдан тулки дейсизми, бугу дейсизми, чўчка дейсизми бари оқиб ўтган. Бирок бунақаси биринчи марта учраши.

Қарангки у айиқ экан! Чамаси у дарёнинг нариги бетига ўтмоқчи бўлган у паром таркатган тўлкилар ҳалақат бериб уни оқибди кетган. Айиқ чиқиб олган, одамларга парво қилмай ўрмон томон юриб кетган.

Бу ҳодисанинг шохиди бўлганлар ҳайрон: маймоқ оёқнинг бундай таваққал қилишига нима мажбур қилди экан? Ахир Волганинг кенлиги бу ерда уч километр бўлса!

МАКАКА - МАТЕМАТИК

Маймунлар санашни билади, деган хулосага келинди. Макакалар (Хиндистон ва Хинди-Хитойда) учрайдиган маймунларнинг бир тури устида тажриба олиб борган америкалик олимлар «Сайенс» журнада босилган мақолага кура Колумбия университети олимлари маймунлар предметларини ажратиб ва миқдорини билиш хусусида эга эканликларини аниқлашди.

Миниатюралар театри устаси Эргаш Каримов иштирок этган кўпбаъли алоий-жалмоий сахналарнинг томоша қилиб гоҳ қулгансиз, гоҳ ўйга толгансиз. Санъаткор ижросидаги ашаддий футбол шикбози ҳам кўз ўнгингизда бўлса керак, хойнахой? Эсингиздами, «Пахтакор» ютганда кувончини ичига сиғдира олмаган Эргаш ака севимли жамоаси мағлубиятга учраган кунни уйдагиларнинг дилини хуфтон қилгани етмагандек, яна чойнак-пиёлаларга ҳам қўриб келтиради.

Охири қўлга илинадиган ҳеч нарса қолмаган, хотинига ўйқиради: «Онамдан қолган тошойна қани?»

Уйлаймизки, бугун Эргаш ака Каримов ва яна кўпбаъли «Пахтакор» мухлисларининг хонадони байрам оғушида. Мавсум бошиданоқ пешқадимликни қўлга олган жамоа, агар таъбир жоиз бўлса, муддатидан олгари - биринчилик яқунлишига икки тур қолганда чемпион деган унвонга сазовор бўлди. Энг кўп галаба наъшасини сурган, рақиблар дарвозасига энг кўп тўп киритган ҳам ушбу команда. Уз-ўзидан англашладикки, тўпурарларни ҳам «Пахтакор» жамоаси аъзолари орасидан изламоқ даркор - бир йўла икки футболчи - Миржалол Қосимов ва Игорь Шквирин ҳар бири 22 тадан тўп киритиб, бу баҳсни ҳам ўз фойдаларига ҳал эта билдилар. Агар Миржалол ярим ҳимоячи, Игорь эса Исроиал сафаридан сўнг, мавсум ўрталарида «Пахтакор» таркибиде уйнай бошлаганини инобатга

олсак, уларнинг маҳорати ва имконияти яққол кўз ўнгингизда намойён бўлади қўяди.

Собик чемпионлар - «Нефчи» ва «Навбахор» командалари иккинчи ва учинчи ўринни эгаллашди. «Сўғдиёна», «Темирйўлчи», «Дўстлик» жамоаларининг кучлидан сафида бўлишга астойдил интиланглиги кўзга ташланди. Айниқса,

намоийш этилган футбол «чарм тўп» усталарининг маҳорати, тренерлар ишлаб чиққан стратегия ва тактика, кўпчилики хайратга солган комбинациялар маржонига ҳамоҳаз равишда тақдим этилган ва амалда синаб қўрилган янгликлар дунёда энг оммавий ҳисобланган спорт турининг ривожига хизмат қилади, десак мубола-

зим бўлган талай муаммолар мавжудлигини яна бир қарра тасдиқлади. Одатда мақсадга қараб пойдевор, пойдеворга қараб ўй қурилади: бир қават, икки қават... тўққиз қават. Нима демократизм? Модомики, мақсад жаҳон майдонларидан манаман деган жамоалар билан тенгма-тенг тўп суриш экан, сая-ҳаракатлар ҳам шунга яраша бўл-

«ОНАМДАН ҚОЛГАН ТОШОЙНА ҚАНИ?»

ёҳуд Ўзбекистон еттинчи миллий чемпионати яқунлари ва умуман футболбозимизнинг бугунги ҳолатига доир айрим мулоҳазалар

ўзига хос тезкор ва чапдаст футболчилардан таркиб топган Қаршиннинг «Насоф» командаси намоийш этган ўйин мутахассислар ва албатта мухлисларини бефарқ қолдирмади. Аммо...

Бу йил биз асримизнинг энг сўнгги жаҳон чемпионати - Франция яшил майдонларида бўлиб ўтган ажайиб футбол спектакли дарвозасига энг кўп тўп киритган ҳам ушбу команда. Уз-ўзидан англашладикки, тўпурарларни ҳам «Пахтакор» жамоаси аъзолари орасидан изламоқ даркор - бир йўла икки футболчи - Миржалол Қосимов ва Игорь Шквирин ҳар бири 22 тадан тўп киритиб, бу баҳсни ҳам ўз фойдаларига ҳал эта билдилар. Агар Миржалол ярим ҳимоячи, Игорь эса Исроиал сафаридан сўнг, мавсум ўрталарида «Пахтакор» таркибиде уйнай бошлаганини инобатга

ға бўлмас. Тўғриси, жаҳон чемпионати янгликларининг айримлари, хусусан, унинг вақтини қайд этиш билан боғлиқ янглик иккинчи даврада бошлаб Ўзбекистон биринчилигида ҳам қўланади, деган умидда эдик. Гап шундаки, айрим учрашувлар нафақат футболчилар, шунингдек мухлисларда ҳам шубҳа уйғотадиган, уларнинг ҳақ-ўлдузлари номини яна санашда давом этиш мумкин. Хатто Хоразмда бўлган бир ўйин бир варақайга ўн уч дақиқага «чўзилиб» кетди.

Учрашува нега ўз вақтида тугатилмаётгани, қолаверса, ҳакам ўйинга қанча вақт қўшгани номаълум бўлганлиги учун ҳам қатор тушунмовчиликларни келтириб чиқарди. Агар Францияда кўпчиликка маъқул тушган янглик - ҳакам томонидан учрашувга қанча вақт қўшилганлиги олдиндан таблода кўрсатилса, уйлаймизки, бундан факат ютилиди, ўйин сўнгги паллагача қизгин кечарди.

Ҳа, афсуски, Ўзбекистон тарма жамоасига жаҳон чемпионатида тўп суриш насиб этмади. Тахлиллар эса гарчанд саралаш бахсларининг айримларида муносиб ўйин намоийш этилган бўлса-да, умуман олганда футбол ишимизда зудлик билан ечилиши ло-

моийш этилаётган ўйин савиясидан келиб чиқиб баҳоласак-чи? Унда бу масала устиде жиддий бош қотириш даркорлиги маълум бўлади. Фирқимизча, аҳолини бир мунча яхшилаш учун икки йўл бор. Биринчи - олий табақа командалари сонини саккизга, жуда бўлмаганда ўн иккитага тушириш керак.

Токи унда ҳақиқатан ҳам ўз қучига ишонган ва ҳар бири ўз ҳолида чемпионликка даъвогар бўла оладиган энг кучли жамоалар кураш олиб борсин. Иккинчиси - юқоридеги ўзгаришнинг имконини бўлмаган тақдирда, мавжуд 16 командини тенг иккига, яъни саккизтаданга бўлиб, икки тур ўйинлардан сўнг ҳар икки гуруҳдаги кучли тўрт жамоага яна бир гуруҳга бирлашган ҳолда чемпионлик учун баҳсга киришиш имконини берилса қандай бўларкан?

Гуруҳларда 5-8 ўринларни эгаллаган жамоалар ҳам янгидан ташкил этилган бошқа бир гуруҳда тўп суриб, олий табақани тарқатувчи икки, эҳтимолки, уч командини аниқлаб оладилар. Энг муҳими, мавсумда ўтказиладиган ўйинлар сонини йигирма саккизга ортирмайди. Жамоа мураббийларининг ўз шогирдлари билан ўтказадиган ўқув машғулотларига ҳеч бир зарар етмайди.

Бу тажрибани биринчи табақага нисбатан ҳам жорий этиш мумкин.

намоийш этилаётган ўйин савиясидан келиб чиқиб баҳоласак-чи? Унда бу масала устиде жиддий бош қотириш даркорлиги маълум бўлади. Фирқимизча, аҳолини бир мунча яхшилаш учун икки йўл бор. Биринчи - олий табақа командалари сонини саккизга, жуда бўлмаганда ўн иккитага тушириш керак.

Токи унда ҳақиқатан ҳам ўз қучига ишонган ва ҳар бири ўз ҳолида чемпионликка даъвогар бўла оладиган энг кучли жамоалар кураш олиб борсин. Иккинчиси - юқоридеги ўзгаришнинг имконини бўлмаган тақдирда, мавжуд 16 командини тенг иккига, яъни саккизтаданга бўлиб, икки тур ўйинлардан сўнг ҳар икки гуруҳдаги кучли тўрт жамоага яна бир гуруҳга бирлашган ҳолда чемпионлик учун баҳсга киришиш имконини берилса қандай бўларкан?

Гуруҳларда 5-8 ўринларни эгаллаган жамоалар ҳам янгидан ташкил этилган бошқа бир гуруҳда тўп суриб, олий табақани тарқатувчи икки, эҳтимолки, уч командини аниқлаб оладилар. Энг муҳими, мавсумда ўтказиладиган ўйинлар сонини йигирма саккизга ортирмайди. Жамоа мураббийларининг ўз шогирдлари билан ўтказадиган ўқув машғулотларига ҳеч бир зарар етмайди.

Бу тажрибани биринчи табақага нисбатан ҳам жорий этиш мумкин.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Кейинги йилларда Осиё мамлакатлари командалари билан ўзвий алоқалар ўрнатилиши йўлидан борилаётгани яхши, албатта. Лекин Францияда бўлиб ўтган чемпионат сабоқлари бу ерда ҳам масалага ойдинлик кириштириш тақоза этаётди.

Осиё китъаси вакиллари - Япония, Жанубий Корея, Саудия Арабистони ва Эрон жамоалари намоийш этган ўйин Европа, Латин Америкаси ва хатто Африка китъасидан қатнашган жамоаларга нисбатан сезиларли даражада паст эканлигини яна бир бор бизга эслати.

Бу билан нима демократизм? Кучли командалар билан бевосита учрашувларининг ўтиришлари ва муносиб мавқега эга бўлиш имконини беради. Шундагина ҳар хил тур-турларда эришилган натижалар юқори бўлади, шундагина футбол мухлисларининг ўйингоҳларга ташириш қувонч ва қониқиб билан тақдирланади.

Спорт - нафақат кўнгил очиш воситаси, у айнаи ҳақда мамлакат обрўси ҳам Норвегияда бўлиб ўтган қишки олимпиадада чемпионлик шохсупасига кўтарилган матонатли спортчимиз Лина Черязова, профессионал бокс бўйича етти қарра жаҳон чемпиони Артур Григорян, кунни кеча Испаниядан 16 ўртача бўлган ўсмирлар ўртасидаги шахмат баҳсида жаҳон чемпиони бўлиб қайтган юртдошимиз Иброҳим Ҳамроқовлар номини фахр-ифтихор ва шон-шаъраф тижисига айланганлиги беъмисл эмас.

Истаимизки, Ўзбекистонимизга яна ва яна омад қилиб боқаверсин. Токи Эргаш акага ўшаган ашаддий мухлислар «Онамдан қолган тошойна қани?» деб қўнгил синикларини термасинлар-да, футболбозимиз ривожидан таскин толиб, «Мана сенга олам-олам гул, этагинга сикқанича ол» дея шодлиниб киргойиб қилиб юрсинлар.

Зайниддин РИХСИЕВ.



Advertisement for 'ИШОНЧ' newspaper. It includes contact information for the editorial office (Boш муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ), subscription rates, and a list of advertising rates for various positions. It also mentions the newspaper's history and its commitment to providing timely news.